

Ироқда Қуръон илмий мўъжизалари академияси яратилади



11:45 / 19.02.2019 1572

Куни кеча Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида Қуръоннинг илмий мўъжизалари биринчи халқаро конференцияси ниҳоясига етди, деб хабар беради IQNA.

Ироқ Бош вазири Одил Абдул Маҳди бошчилигида ва Аҳли суннат вақф идораси назоратида ташкил этилган конференцияда Халқаро Қуръон ва суннатнинг илмий мўъжизалари уюшмаси ҳузурида махсус Қуръон илмий мўъжизалари академияси ташкил этиш зарурлиги таъкидланган. Қуръон мўъжизаларини ОАВ кенг тарғиб қилиш масаласига анжуманда катта эътибор қаратилди. Анжуман ишларида араб ва ислом ўлкаларидан келган юзлаб олимлар ва дин вакиллари иштирок этган.

Islom.uz портали таҳририяти